

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ОНГЛИЛИК ВА ИНТУИТИВЛИК ҲОДИСАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ



Ҳаётхон Махамудиновна ЎРИНБОЕВА

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

khaetkhon.makhamadinovna@mail.ru

Аннотация

Мақолада чет тилларни ўрганиш жараёнида онглилик принцигига риоя қилиш масаласи ва интуитивлик ҳодисаси хусусидаги фикрлар баён этилган. Муаллиф чет тилларни ўрганишда онглилик принципи ва интуиция масаласига бағишланган муҳим тадқиқотларни ўрганган, таҳлил қилган ва уларга ўз муносабатини билдирган.

Калит сўзлар: онглилик; принцип; фикрлаш; онг; тинглаб тушуниш; иккинчи тил; чет тил; ахборот; нутқ; интерференция; фасилитация.

РОЛЬ СОЗНАТЕЛЬНОСТИ И ИНТУИЦИИ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

Ҳаётхон Махамудиновна УРИНБАЕВА

преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков

khaetkhon.makhamadinovna@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается вопрос о соблюдении принципа сознательности и интуиции в процессе изучения иностранных языков. Автор проанализировал исследования и мнения ученых в этой области применительно к изучению иностранных языков.

Ключевые слова: сознательность; принцип; мышление; сознание; восприятие речи; второй язык; иностранный язык; информация; речь; интерференция; фасилитация.

THE IMPORTANCE OF CONSCIOUSNESS AND INTUITION IN STUDYING FOREIGN LANGUAGES

Khayotkhon Makhamadinovna URINBOEVA

Teacher

Uzbekistan State University of World Languages

khaetkhon.makhamadinovna@mail.ru

Abstract

The article deals with the issue of observing the principle of consciousness and intuition in the process of studying foreign languages. The author analyzed the researches and views of scientists-researchers on the principle of consciousness in studying foreign languages and reflected them in the article.

Keywords: mind; principle; thinking; consciousness; listening comprehension; second language; foreign language; information; speech; interference; facilitation.

Ахборот алмашинуви ва маълумотлар ўзлаштирилиши тезлашаётган шиддатли замонамизда юқори касбий малаканинг асосий талабларидан бири чет тилларни мукамал билишдир. Мамлакатимиз таълим тизимида инглиз тилини ўқитиш, ўргатиш жараёни турли илмий ёндашувлар, давр талабларига тўла жавоб бера оладиган янги ахборот-коммуникация ва педогогик технологиялар жорий этилиши асосида янги сифат даражасига кўтарилиб бормоқда.

Чет тилларни ўрганишга эътибор кўпроқ қаратилаётгани сари (1) билим олувчиларнинг тил ўрганиш жараёнига қўйган талабларига мос янгидан-янги таълим материалларива ўрганиш услублари такомиллашмоқдаки (2), бу ўз навбатида таълим берувчиларни ҳам ўз устида ишлашга, билимларини бойитишга ва изланишга ундамоқда. Ҳозирги кун тил ўрганувчилари бундан беш йил олдинги ўрганувчидан мутлақо фарқ қилади. Шу боис бугунги кунда ҳар бир чет тил мутахассиси олдида бир қанча вазифалар қўйилмоқда ва бу нарса тилни тез, осон ва шунингдек, самарали ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

Тил ўрганиш жараёнида онглилик ва интуиция масаласига оид муаммоларпсихологияда З. Фрейд, С.Л. Рубинштейн, Л.С. Виготский ва бошқалар, ўзбекистонлик М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, шунингдек, тилшунослик соҳасида Н.А.Чомский, Сюзан Гас, Р. Шмидт, Н. Элис каби олимлар асарларида ўрганилганлигини кўрамиз, уларнинг мазмунан бири-бирига ўхшаш ёндашувларини кузатамиз. Жаҳон классик фалсафасида кенг ишлаб чиқилган билиш назариясида ҳам, психологияда ҳам олимлар бу мавзудагификрлари кенг баён этилган. Бундан ташқари, умумий психология, дидактика, когнитология каби фанларда ҳам онглилик ва интуиция масаласи батафсил ёритилган. Тил ўрганиш жараёнида онглиликнинг ўрни бекиёс бўлганидек, интуитивлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга жараёндир. Ҳар икки масала тенг келган пайти олимларнинг қарашлари тўкнашмоқда.

Лингводидактикада интуиция терминида қуйидагича таъриф берилган: интуиция [лот.intueri – диққат билан синчиклаб қарамоқ] – ички ҳис, сезгирлик маъноларини англатади (7).

Онглилик эса дидактика фанида принцип мақомини олган илмий категория ҳисобланади.

Сарлавҳада қўлланилган интуиция ва онглилик терминлари инсон ақлий фаолияти билан боғланган тушунчаларни ифодалайди. Хатто, ислом, буддизм ва бошқа динларда ҳам интуициянинг ўрни ҳақида тадқиқотлар олиб борилган. Жаҳон классик фалсафасида кенг ишлаб чиқилган билиш назариясида ҳам, психологиясида ҳам бу мавзуда олимлар фикрлари баён этилган (4, 12;13).

Шунингдек, Ричард Шмидт ўзининг “Чет тил ўрганиш ва онглилик” масаласига бағишланган мақоласида ушбу мавзуда фикр юритиб, чет тилни ўрганиш жараёнида онглилик ва интуиция жараёни муаммоси ва психологияда муомалага киритилмаган инглиз тилида “without noticing”, “without attention”, “without understanding” (эътибор қилмасдан, беихтиёр, диққат билан, фаҳмламаган ҳолда) ўрганишга чуқур ёндашади. (6, 9,18, 29).

Тил ўрганиш жараёнида онглилик ва интуиция масаласида психолог З. Фрейд (1915) ва тилшунос Н.А. Чомский (1965, 1980,1986) қарашларида мазмунан бир-бирига ўхшаш ёндашувларни кузатамиз.

Тил ҳодисалари (лексика, грамматика, талаффуз)ни ўзлаштириш теварак-атрофдагиларнинг нутқи асосида кечади, яъни тинглаб тушуниш оқибатида гапириш тарзидаги нутқ фаолиятининг тури ўрганиб борилади. Лекин, дискурса баён этилаётган маълумотни ўзлаштиришда онг иштирок этади.

Бола ёши улғайган сари тил сатҳларига оид лисоний ҳодисалар бола нутқида бойиб боради ва бунинг оқибатида айрим лексик, грамматик ва фонологик бирликларга онгли тарзда ёндашиш вужудга келади.

Масалан, баъзи синоним, антоним сўзларни ўз ўрнида қўллаш, грамматик структурани тил нормасига риоя қилиш ва товушларни фарқлаш, (дифференциация) кабилар онг иштирокида ўрганиб борилади.

Она тилини ўқув предмети сифатида ўрганиш чоғида ўқувчи ўз нутқида қўллай олган нутқий бирликларни англаб етиш билан машғул бўлади. Бу дегани, тил ҳақидаги элементар, назарий билимларни ҳам ўрганати. Бу билимлар сирасига морфологик қоидалар, синтактик структура ҳақидаги маълумотлар киради. Улар от, сифат, феъл кабилар ҳақида билим оладилар.

Бу эса, ўз навбатида, иккинчи ва чет тилни ўрганиш системасида қўлланилмайдиган методик усулдир. Масалан, инглиз тилида артикл (от олдида қўлланиладиган сўз), фаолият бажарувига тегишли “-er” суффикси ёки инглиз тилида эга, кесим, тўлдирувчи тартибида жумла ясаши тартиб сингариларни айтиб ўтиш кифоя. Чунки, бунда ўрганилаётган янги тилга

тааллуқли элементар лингвистик қоидалар ўзга тилни эгаллашда содир бўладиган потенциал интерференцияга сабаб бўладиган, оқибатда муайян қийинчиликка олиб келадиган нутқий ҳодисалар ҳақида гап бормоқда. (Чет тилдан мутахассис бўлиб етишадиган олий таълим муассасалари талабалари учун назарий фанлар – лексикология, назарий грамматика, назарий фонетика ва бошқалардан бериладиган илмий мулоҳазалар онглилик принципига кўра ўзлаштирилади).

Иккинчи ва чет тилда қоида-умумлашма кўп ҳолларда талаба томонидан чиқарилади, ёздирилмайди, сўралмайди. Тилни рецептив планда (ўқиш ва тинглаб тушунишда) эгаллаш жараёнида лексик ёки грамматик бирликнинг семантизациясида формал жиҳатига дуч келинади. Зеро, идрок этилаётган бирлик код сифатида қабул қилинади, сўнгра декодлаш(маъносини англаш) содир бўлади, тушунилади.

Интуиция ва онглилик тил ўрганишда қўлланиладиган усуллар имитация (тақлид) ва таҳлил (анализ) усуллари билан фикран боғланади. Таҳлил эса тафаккур шаклларида бўлганлиги туфайли онг билан боғлиқ руҳий жараёндир.

Тил таълимида изчилликни тامينлаш эса чет тил муаллимларининг вазифасидир. Бу жараёнда тил ўрганувчининг тез ва осон, қисқа муддатда тил ўрганишини ҳисобга олсак, юртимизда янги дарсликлар, оптимал дастурлар, таълим сифатини оширувчи кўргазмали қуролларга эҳтиёж сезилади. Хорижий тил ўрганувчининг ёши, таълим муассасаси, касб-кори ва тил ўрганишдан мақсади муҳим аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия жараёнида таълим принциплари алоҳида ўрин тутди. Таълим принципларининг мақсадга мувофиқлиги таълим жараёнининг самарали бўлишини таъминловчи омиллардандир. Методикада “принцип” атамаси ҳам ўзига хос тушунчаларни ифодалайди. Проф. Е. И. Пассов фикрига кўра (3, 10) “принцип — ўқитиш жараёни аталмиш бинонинг пойдеворидир”. Табиатда принциплар йўқлиги, фақат қонунлар борлиги ҳақида билиш назариясида маълумотлар келтирилади. Принцип “асос бўладиган йўл-йўриқ, қонун-қоида” маъносида ишлатилади.

Принцип тушунчаси ҳамма фанларда учрайди. Принцип (принцип – лот. *Principium*)– фаолият пайтида риоя қилинадиган асосий қоидалар, талаблар, йўл-йўриқлар деган маънони англатади. Хусусан, чет тил ўқитиш методикасида бу тушунчага кўплаб методист-олимлар тўхталиб, ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Профессор Ж. Жалолов (4, 15) эса принцип тушунчасини “бевосита ўқув жараёнини акс эттирадиган методик ҳодиса”,

деб атайди. Масалан, оғзаки нутқнинг илгарилаш принципи, тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи кабилар.

Онглилик принципи методикада турлича талқин этилган ва бу ҳодиса XX асрнинг 50-йиллари методикасида тил материалига оид қоидаларни ўрганиш, яъни тил ўрганиш жараёнига хос бўлган барча ҳодисаларни таҳлил қилиш, кўпроқ қоидаларни мукамал ўрганишга асосланган бўлса (кейинчалик бу жараён асосида фасилитация принципига асос солинган) ёки таржима қилиш маъносини берган бўлса, бугунги кунда бужараён ўқув материалнинг моҳиятини тушуниб етиш, яъни чет тилдаги жумла ва нутқнинг мазмунини англаш, иккинчидан, тил материални қоидада эмас, балки нутқ амалиётида онгли (малакали) қўллай олиш, ахборот алмаша олиш каби ҳодисаларни англамоқда.

Юқорида кўрилган масаладан аёнки, онглиликпринципига асосланиш, она тилининг тутган мавқеини назардан четда қолдирмайли. Аксинча, она тили чет тил ўрганишда тўсиқ бўлмайди. Бироқ, нутқ бирламчи ҳодиса, ҳар қандай назария унинг асосида шаклланади. Мақсад эса – маъно ва мазмунни англаб етишдир.

Лекин, ҳаммамаълумки, нафақат тил ўрганиш соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам энг аввало, ўрганувчидан кучли иштиёқ ва сабр-тоқат талаб этилади.

Катта ёшли чет тил ўрганувчилар кичик ёшдаги ўз она тилида ҳис туйғуси ва фикрларини интуитив равишда баён этувчиларга нисбатан онгли равишда ўзлаштириши маълумдир. Яъни, она тилини эгаллаш ёш болани тинглаб тушуниши жараёнида, асосан, интуитив йўл билан содир бўлади.

Катта ёшли тил ўрганувчиларда онглилик жараёни муҳим рол ўйнар экан, бу тил ўрганувчининг грамматик компетентлигитақомиллашувига олиб келади.

Ғозиев ушбу жараённи шундай изоҳлайди: “Таълим жараёнидаги турли фанларни ўқитиш туфайли кенг қўламли билимлар тизими ўзлаштирилиши орқали юқори синф ўқувчиларида тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, мазмундорлиги, маҳсулдорлиги ортади. Уларда назарий тафаккурнинг таркиб топиши натижасида воқеликнинг ички боғланишлари, муносабатлари жамият ривожланишининг қонунларини билиш ва англаб олиш кўникмаси юқори поғонага кўтарилади” (5, 168).

Агар бу жараённи эндигина чет тил ўрганишни бошлаган инсон ва ўз она тилида гапиришни энди бошлаётган бола мисолида ўргансак, катта ёшдаги тил ўрганувчига нисбатан болада тил ўрганиш жараёни

муваффақиятлироқ кечади. Негаки, болада, энг аввало, атрофдагиларга тақлид ва тилни ўрганишга кучли иштиёқ бор. Катта ёшли тил ўрганувчида ҳам тилни ўрганишга кучли иштиёқ бор, аммобу жараён онгли равишда кечаётганлиги боис, яъни ўз она тилининг акс таъсири (интерференция ходисаси) бу жараённи бир мунча қийинлаштиради ва унинг муваффақияти унчалик кафолатланмайди. Н.Чомский фикрига кўра (6, 133):

1. John is too stubborn to talk to him.
2. John is too stubborn to talk to.

Ушбу жараён тил соҳиби учун онгли ходиса, чунки у биринчи гапда *John* гапнинг эгаси эканлигини тушунади, иккинчисида эса бошқа ходиса. Лекин, биринчи гапдаги *himJohn*га қаратилмаган бўлиши мумкин. Бу жараён Чомскийнинг универсал грамматикасида келтирилган ва ушбу ходиса маъноси онгли ҳолатдан кўра интуитив, яъни онгсиз равишда тушунилади, дейди. Тилни онгли ўрганиш мақсадли равишда алоҳида режаларга асосланиб амалга оширилса, чет тилни онгсиз равишда эгаллаш режасиз, коммуникатив жараённинг маҳсулидир. Албатта, ушбу ҳолат бевосита пайқаб олиш (noticing) ва тушуниш (understanding)ни тақозо қилади.

Юқорида келтириб ўтилган масалаларни ўрганиш натижасида шундай савол туғилади: нега чет тил, яъни инглиз тили ёки бошқа бир чет тилни ўрганиш айрим ҳолларда юртимизда кенг фойдаланиладиган рус тили ёки бошқа қардош халқлар тиллари ёки иккинчи тил каби тез ўзлаштирилиши қийин? Бунга энг асосий сабаблардан бири – тил ўрганиш муҳити, яъни атрофдаги кишилар ва кундалик жараёнлардир. Агар сизнинг ён қўшнингиз инглиз бўлганида эди худди рус тили каби у билан амаллаб инглиз тилида мулоқот қилиб тилни тез ўзлаштира олардингиз. Бу ерда беихтиёр (natural listening), яъни интуитив равишда ўрганиб борасиз, аммо бошқа ҳолда онгли равишда ўрганиш жараёни рўй беради.

Агар ота-она бирорта чет тилни билмаса ва фарзандига инглиз ёки рус тилидаги мультфильм олиб берган бўлса, бола уни томоша қилиш жараёнида ўзи англамаган ҳолда чет тилдаги сўзлар, ибораларни беихтиёр қайтара бошлайди ва уни тўғрими-нотўғрими талаффуз қила бошлайди, бу жараён бола ўша мультфильмни ҳар сафар қайта томоша қилганида такомиллашиб боради ва тил ўрганиш жараёни тезлашади. Эътибор қиладиган бўлсак, жараён болада беихтиёр равишда тезлашса, катталарда онгли равишда ўрганиш жараёнида секинлашади, яъни чуқурлашади ёки аксинча автоматлашади, аввал англаниб кейин интуитивлашади. Бундан келиб

чиқадики, барча ёшдаги тил ўрганувчилар учун чет тилни интуитив равишда ўрганиш табиий ҳодисага айланиши мумкин.

Чет тил ўқитишда нутқ фаолиятининг тўртала тури ҳам бирдек аҳамиятли ва ўз ўрнида айрим қийинчиликлар касб этиши барчамизга маълум. Ушбу қийинчиликларни бир мунча енгиллаштириш ва таълим олувчини тил ўрганишга бўлган иштиёқини ошириш борасида бир неча илғор технологиялар ишлаб чиқилган. Бу фаолиятларнинг қай бири тез ўзлаштирилиши тил ўрганувчининг билимларни қабул қилиши (listening and reading) ва ўзининг қизиқувчанлиги (speaking) ва ижодкорлигига (writing) боғлиқ. Тинглаб тушуниш ва унга доир бир неча машқлар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг рецептив турига мансуб бўлиб, кимнингдир нутқини тинглаш, унинг талаффузи, акценти, сўз бойлиги ва грамматикасини тушуниш ва аниқлаш жараёнидир.

Тинглаб тушунишни ўргатиш бошқа нутқ фаолияти турлари орасида энг қийини ва у бошқа нутқ фаолияти турлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан: тил ўрганувчи тингланаётган матнни тушунсагина, уни сўзлаб бера олади ва тўғри ёза билади, шунингдек, тингланаётган матнни эшитиб тушунган ҳолда тўғри талаффуз билан ўқий олади. Биз тинглаб тушунишни ўргатар эканмиз, жараённи нимани? қаерда? ва кимга? деган саволларга жавоб бериш орқали бошлашимиз зарур. Ушбу жараёнда тил ўргатувчининг вазифаси керакли тил материални таълим олувчининг қобилияти ва хоҳишига кўра танлашдир. Агар ўқитувчи бу принципга амал қилса, натижа бир мунча самарали бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-сонли қарори//Халқ сўзи, 11.12.2012й.,240(5660)-сон
2. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909- сонли қарори.
3. Илиева Л. К., Чет тил таълимида изчилликни таъминлаш технологияси. Методик қўлланма. – Т., 2009
4. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: Чет тиллар олий ўқув-юртлари (факультетлари)талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 368 б.
5. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлари психологияси). – Т., 1994. – 223 б.
6. Schmidt, Richard (1995). Consciousness and Foreign Language Learning: A Tutorial on the Role of Attention and Awareness in Learning. In Richard Schmidt (Ed.), Attention and Awareness in Foreign Language Learning (p.1-65). – Honolulu: University of Hawaii Press.
7. Intuition. <https://en.wikipedia.org/wiki/Intuition>